

Қирғизистонда Қуръон байрами ўтказилди



09:50 / 23.07.2019 1391

Ислом олами робитаси китоб ва суннатга хизмат қилиш хайъати Қирғизистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда Қуръони каримни ёд олган қирқ етти қори шарафига Қуръон хатмонаси тадбирини ўтказди. Бу ҳақда ioqas.org манбасига таяниб quran.uz сайти хабар беради.

Қирғизистонда бўлаётган маросимнинг эътиборли томонларидан бири ҳофизини Қуръонларнинг етти нафари Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб борадиган силсилага боғланган ижозага эга бўлганидир.

Тадбирда сўзга чиққан хайъатнинг таълим ва илмий ишлар бўлими бошлиғи шайх Холид Абдулкафий маросим ёш Қуръон ҳофизларини икром қилиш учун ташкил этилганини таъкидлади.

Шунингдек, байрамона тадбирга Қирғизистон мусулмонлар идораси муфтий ўринбосари шайх Замир Рокиф ҳамда мадраса ва маъҳад устозлари ва масжид имомлари ташриф буюрди.

Islom.uz портали таҳририяти